

## Энг улуғ садақа



09:07 / 10.12.2018 4368

### **Нафақа отанинг бурчи, болаларнинг ҳаққидир.**

Болаларнинг нафақаси, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой билан таъмин этиш отанинг бурчидир. Бу нарсалар ҳалол-пок бўлиши матлубдир. Ҳаром касб билан топилган таомни еган мурғак вужуднинг келажакда ҳалол, одобли киши бўлиб етишганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Фарзандларида ахлоқсизлик, одобсизлик, қонун бузишлар илдизини уларнинг халқуми бузилганлигидан излаш керак бўлади. Агар халқумингиз покланмас экан, бор меҳрингизни, топган-тутганингизни сарфлаб тарбиялаган болангиз ота-онага бемеҳр, оқпадар, осий бўлиб улғаяди.

*Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида «Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар», ояти тиловат қилинди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос туриб:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени дуоסי қабул бўладиганлардан қилсин», деди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Эй Саъд, таомингни пок қилгин, дуоסי қабул бўладиганлардан бўласан. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, банда бир луқмани қорнига ташлайди ва ундан қирқ кун амал қабул қилинмайди. Қай банданинг гўшти ҳаромдан ўсган бўлса, олов унга лойиқроқдир», дедилар».**

*Табороний ривоят қилган.*

Ҳар ким ўзи хулоса чиқариб олаверсин. Ўзи нима тановул қилаётганига, аҳлу аёлига нима бераётганига, мурғак гўдакларини нима билан таомлантираётганига бир назар солсин.

*Фақир ёш боланинг нафақаси отасига вожиб бўлади.*

Бу ҳукмнинг далили Қуръони каримдан олинган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида бундай деб марҳамат қилади:

بِالْمَعْرُوفِ وَكَسْوَتُهُمْ رِزْقُهُمْ لَهُ الْكُلُودِ وَعَلَى

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Ҳинд бинти Утба:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Суфён ўта бахил одам, унга билдирмай олганимдан бошқа менга ва боламга кифоя қиладиган ҳеч нарса бермайди», деди.

«Ўзингга ва болангга етарлисини тўғриликча ол», дедилар у зот».

*Икки шайх ривоят қилишган.*

Унга бу ишда худди ота-онаси ва хотинининг нафақасидаги каби бирор киши шерик бўлмайди.

Яъни боланинг нафақаси фақат отага, ота-онанинг нафақаси фақат ўғилга ва хотиннинг нафақаси фақат эрга вожиб бўлади. Унга бу нафақада ҳеч ким шерик бўлмайди.

Балоғатга етган қизнинг эри бўлмаса, нафақаси отасига вожиб бўлади. Кўзи ожиз, ақли йўқ, толиби илм бўлган ўғиллар фақир бўлсалар, уларнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади. Турмуши бузилиб, қайтиб келган қизнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади.

*Суроқа ибн Жуъшумдан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Эй Суроқа, сенга энг улуғ садақанинг ёки садақадан ҳам улуғроқ нарсанинг далолатини берайми?» дедилар.**

**«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», деди.**

**«Ҳузурингга қайтиб келган ва сендан бошқа таъминотчиси бўлмаган аёл зотига икром кўрсатмоғинг», дедилар».**

Яъни қизингми, синглингми, турмуши бўлмай, оиласи бузилиб, қайтиб келган бўлса-ю, унга сендан бошқа қаровчи, боқувчи бўлмаса ва сен ҳалол касб ила топганингдан уни нафақа билан таъминласанг, икром қилсанг, жаннатга кирасан.

***“Соғлом бола” китобидан***